

10. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование. [Текст]. /Н.В.Игошин:учебник для вузов.-М.:ЮНИТИ-ДАНА,2002.-112с.
11. Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб.пос. [Текст] //Л.Л.Игонина. Под ред.д-ра экон.наук,проф. В.А.Слепова.- М.:Экономист, 2005.- 478с.
12. Вертакова Ю.В., Харламова Е.С. Основные проблемы институционального обеспечения государственной политики структурных преобразований в высокотехнологичном секторе Российской промышленности. [Текст]. // Экономика и предпринимательство. -2016. -№2. -1(67-1)- С.458-464.
13. Колмыкова Т.С., Брагин Н.И., Щербаков А.П. Структурно – инвестиционные преобразования в экономике: Монография [Текст]. / Т.С.Колмыкова, Н.И.Брагин, А.П.Щербаков. -М.: Информационно-внедренческий центр “Маркетинг”-2008. -136с.
14. Иваненко Л.В. Региональные кластеры и способы их выделения [Текст] / Л.В.Иваненко.//Вестник Самарского государственного экономического ф-та. 2007.-№1. (27). -С.48-52.



**“ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК” ВА У БЎЙИЧА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Абдуллаева Севарахон Хасановна -**  
Фарғона политехника институти, Бухгалтерия  
ҳисоби ва аудит кафедраси ассистенти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a5](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a5)

**Аннотация.** Ҳар бир давлатнинг, қолаверса ҳар бир саноат корхонасининг энг асосий ва олий мақсадларидан бири – бу, албатта, иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Маълумки, турли соҳалар учун зарурий ҳисобланган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб бевосита саноат тармоғи корхоналари томонидан таъминланади. Шундай экан, саноат тармоғи корхоналарининг ҳозирги ҳолати ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан уларнинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қай даражада қондира олишини белгилаб беради.

**Таянч сўзлар:** иқтисодий барқарорлик, самарадорлик, барқарорлик, тизим барқарорлиги, иқтисодий самарадорлик, иқтисодий ўсиш

**“ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ” И ХАРАКТЕРНЫЕ ЧЕРТЫ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ НА ЭТО ПОНЯТИЕ**

**Абдуллаева Севарахон Хасановна -**  
Ферганский политехнический институт,  
Старший преподаватель кафедры "Бухгалтерский учет и аудит"

**Аннотация.** Одной из самых основных и высших целей любого государства, как и каждого промышленного предприятия, является, конечно же, обеспечение экономической стабильности. Известно, что спрос на продукцию и средства производства, которые являются необходимыми для различных отраслей промышленности, непосредственно обеспечивается предприятиями промышленной сети. Таким образом, текущее состояние предприятий промышленной сети определяет, в какой степени производитель может удовлетворить потребности субъектов в своей продукции.

**Ключевые слова:** экономическая стабильность, эффективность, стабильность, системная стабильность, экономическая эффективность, экономический рост

**“ECONOMIC STABILITY” AND CHARACTERISTIC FEATURES OF THEORETICAL VIEWS ON THIS CONCEPT**

**Abdullayeva Sevarakhon Khasanovna -**  
Fergana Polytechnic Institute, Senior lecturer of  
the Department "Accounting and Audit"

**Annotation.** One of the most basic and highest goals of any state, as well as of every industrial enterprise, is, of course, to ensure economic stability. It is known that the demand for products and means of production, which are considered necessary for various industries, is directly provided by the enterprises of the industrial network. Thus, the current state of the industrial network enterprises determines to what extent the manufacturer can meet the needs of the subjects in their products.

**Keywords:** economic stability, efficiency, stability, system stability, economic efficiency, economic growth

**Кириш.** Ривожланган саноат тизими ўзида нафақат ишлаб чиқариш соҳаларини, саноат корхоналарини ва ишлаб чиқариш жараёнларини, балки инфратузилма объектларини ҳам му-

жассам этади. Бунга асосий сабаб шуки, замонавий саноат тизимининг барқарор ривожланишида турли инфратузилма объектлари, яъни инновация сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш-

ни шакллантиришга асос сифатида хизмат қилувчи илмий-инновацион лабораториялар, йирик корпорациялар ва технопаркларнинг махсус илмий-тадқиқот ва тажриба бўлинмалари тўғридан – тўғри иштирок этмоқда. Жаҳон саноат тармоғида охириги ўн йил ичида қуйидаги икки муҳим ўзгаришлар рўй берди:

- илм-фан сиғими юқори бўлган қўшилган қиймат яратишга асосланган инновацион жараёнларнинг жадаллашиши;

- турли соҳаларнинг саноат тармоғида умумий маҳсулотни яратишда қўшган хиссаси ортиб боришига кўра уйғунликдаги иқтисодий тармоқларда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш.

Саноат миллий иқтисодиётнинг таянч тармоқларидан биридир. Уни жадал ривожлантириш, яъни ушбу тармоқ корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш юзасидан олиб борилан жами чора-тадбирлар, изчил ислохотлар натижасида саноат тармоқларида ижобий ўзгаришлар амалга ошди.

Иқтисодчи олимлар фикрига кўра, саноатнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидидаги улуши 35 ва ундан юқори фоизни ташкил этсагина соғлом ва барқарор иқтисодий ўсиш жараёнига эга ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад даражаси мавжуд давлат мақомига эришиш мумкин. Мамлакатимизнинг саноат соҳасида эришилган ижобий натижаларга қарамай, саноат тармоғини иқтисодиётнинг барқарор ўсиш манбаси сифатида эътироф этиб бўлмайди. Чунки ижобий натижаларга хом-ашёни қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига эришилган бўлиб, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини жорий этиш ҳали ҳам долзарб масала сифатида қолмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Иқтисодий барқарорлик, унинг мазмун-моҳияти кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, О.М.Куликова томонидан иқтисодий барқарорлик концепцияси шакллантирилган бўлиб, унинг мазмунини тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган масалалар ташкил этади [13].

У.П.Козлованинг илмий-тадқиқот ишларида эса иқтисодий барқарорликни технологик трансформацияни амалга ошириш асосида таъминлаш масалалари ўрганилган [14].

Саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қўламини кенгайтириш ва ушбу маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш муаммолари А.Ортиқов, Э.Х.Махмудов ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган [16, 17].

Лекин, иқтисодчи олимларнинг иқтисодий барқарорликга оид илмий ишларида иқтисодий барқарорликга нисбатан умумий ёндашувлар шаклланган холос. Фикримизча, иқтисодий барқарорлик тушунчасига ва унинг хусусиятларига оид таърифни шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш зарур.

**Тадқиқот методологияси.** “Иқтисодий барқарорлик” ва у бўйича назарий қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишда илмий абстракциялаш, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усуллари кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Замонавий шароитларда саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги катта ижтимоий аҳамиятга эга, чунки уларнинг фаолияти бандлик, иқтисодий турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Ҳозирда жаҳон иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар, давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб қолганлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг табора кучайиши “иқтисодий тизим барқарорлиги” категориясини қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз ва пандемия шароитлари рақобатнинг кучайишига ҳамда мамлакатларлар, хусусан Ўзбекистон саноатининг иқтисодий ҳолати ва ривожланишига таъсир қўрсатмоқда. Ушбу шароитлар иқтисодий барқарорликни саноат корхоналарида таъминлаш муаммосини янада долзарб аҳамиятга эга эканлигини тасдиқламоқда.

Хусусан, иқтисодий барқарорликни Ўзбекистон шароитида бозор омиллари таъсири, яъни глобал хом-ашё бозорларида нарх шаклланиши, импортга қарамлиги, миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол, пул ва молия бозорларининг ривожланиш даражаси ва улар дастакларининг самарадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади [4].

Юқоридаги омилларни эътиборга олган ҳолда, “иқтисодий барқарорлик” тушунчасини атрофлича илмий талқин қилишга талуқли бўлган барча замонавий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур ҳисобланади. Чунки ушбу тушунча иқтисодий фан доирасига нисбатан янги кириб келган.

“Иқтисодий барқарорлик” тушунчаси кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан шакллантирилган ва саноат корхоналари доирасида қўлланиладиган илмий ёндашувларни тизимлаштириш асосида турлича талқин этилган.

П.Самуэльсон, А.А.Богданов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида [21; 6] корхона барқарорлигининг замонавий ёндашувлари шакллантирилган. Улар томонидан “барқа-

рорлик” тушунчаси, илк бор, иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқилган. Хусусан, барқарорлик соҳасидаги асосий натижаларни шакллантириш учун бозор мувозанати ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда мувозанатга эришиш шароити ўрганилган.

А.А.Богданов, Л.И.Евенко ва бошқалар умумий ташкилот назариясига асос солиш билан корхона барқарорлиги атамасининг замонавий ёндашувини шакллантиришга улкан хисса қўшганлар [6, 7]. Амалга оширилган илмий ишлар натижасига кўра:

- корхоналарнинг самарали фаолият юритиши билан барқарорлик ўртасидаги боғлиқлик асосланган;

- молиявий ва иқтисодий барқарорлик тушунчаларининг фарқлари аниқлаштирилган;

- иқтисодий тизимнинг энг асосий ва муҳим тавсифлари сифатида барқарорлик ҳамда ривожланиш тушунчалари асосланган;

- ижтимоий ва иқтисодий тизимлар мувофиқликлари бўйича техник тизимлар билан баҳоланиши мумкин эмас.

Шунингдек, барқарорлик иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда корхоналар барқарорлигининг ўзига хос белгилари, кўрсаткичлари ва турларини эътиборга олган ҳолда бир неча бор тизимлаштирилган.

“Тизим барқарорлиги” Р.А.Попов томонидан қуйидаги турларга ажратилган [19]:

- алоҳида, асосан ташқи омиллар таъсири остидаги ҳолатни ифодаловчи омилли барқарорлик;

- ички унсурлар ҳолатини ифодаловчи таркибий барқарорлик.

Бизнинг фикримизча эса барқарорлик юқорида ифода этилган белгилар билан бир қаторда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини, фаолият йўналишларини ифода этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда янада кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ. Илмий-техник тараққиёт ва инновацион ривожланиш натижасида юзага келадиган ўзгаришлар тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи омил ҳисобланади ҳамда реал сектор корхоналарининг таркибий ўзгаришларига сабаб бўлади. Шунга кўра, ушбу омил инновацион ривожланиш йўналишларини ва таҳлил қилинаётган тармоқ учун унинг таъсири ҳамда оқибатларини тўғри баҳолаш орқали аниқлаштирилиши мумкин.

Бизга маълумки, корхона иқтисодиёти ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида юқори иқтисодий самарага эришиш муаммосини ўз тадқиқот доирасида ўрганади. Корхона ресурслари чекланган бўлиб, унинг салоҳияти жиҳатидан эришиши мумкин бўлган самара чексиз бўлса, у ҳолда иқтисодиётни ресурслардан

самарали фойдаланиш ҳақидаги фан сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда, “корхона самарадорлиги” ва “корхонанинг иқтисодий барқарорлиги” тушунчаларининг ўзаро бир бири билан боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Шунини таъкидлаш жоизки, самарадорликни аниқлаш ва баҳолаш масалалари бир неча йиллар давомида тадқиқ этилган бўлиб, ушбу тушунчанинг турли хил ёндашувлари мавжуд. Хусусан:

- корхона миқёсида иқтисодий фаолият, иқтисодий дастурлар ва тадбирларнинг фойдали натижалар бериши, олинган иқтисодий самаранинг муайян қийматга эга бўлган ресурсларни қўллаган ҳолда энг юқори ишлаб чиқариш ҳажмига эришишга сабаб бўлган ишлаб чиқариш омиллари, ресурслар сарфларига нисбатини тавсифловчи мезон;

- ханузгача ягона таърифга эга бўлмаган энг умумий иқтисодий тушунча.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодчи олимларидан бири А.Ортиқов “иқтисодий самарадорлик” тушунчасига ишлаб чиқариш жараёнининг якуний иқтисодий натижасини ифодаловчи кўрсаткич сифатида таъриф беради [17]. Хусусан, корхонанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонада бошқарув тизимини ташкил этилганлиги, янги техника ва технологияни корхона фаолиятига жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ва улар томонидан амалга оширилаётган меҳнат сифатини ошириш кабиларга эътибор берилади. Иқтисодий самара эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, сарф этилаётган меҳнат сифатини яхшилаш, иш вақтидан самарали фойдаланиш ва тўхташларни олдини олиш, материал, меҳнат ва бошқа ресурсларни тежаш кабилар билан тавсифланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни эътироф этиш мумкинки, “самарадорлик” атамасини тўлиқ ва ягона тушунча асосида тавсифлаш мумкин эмас. Яъни, хўжалик юритиш шаклининг ва усулларининг турличалиги, тадқиқ этилаётган тоифаларнинг моҳиятига бўлган кўплаб ёндашувлар мавжудлиги “иқтисодий барқарорлик” тушунчасининг реал хўжалик фаолиятини тўғри акс эттира оладиган кўрсаткичлари тизимини шакллантиришни яна ҳам мураккаблаштиради.

Иқтисодчи олим Э.Р.Мисхўжаевнинг тадқиқот ишларида [18] “иқтисодий барқарорлик” тушунчасига қуйидагича таъриф берилади, иқтисодий барқарорлик – бу sanoat корхонасининг яхлитлигини, унинг ички тузилма, яъни ишлаб чиқариш – хўжалик, молиявий – иқтисодий, ташкилий – бошқарув тузилмасининг таркибларини узлуксиз такомиллаштириш йўли билан мослашиш механизми асосида ҳамда ташқи бозор муҳити талабларига мувофиқ ҳолда ҳар

бир даврда қўйилган мақсадларга эришишни таъминловчи ёндашувлар асосида фаолият кўрсатиш ва ривожланишни таъминловчи ҳолатдир.

Муаллиф “иқтисодий барқарорлик” тушунчасини таърифлашда асосан корхона фаолиятига ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий – иқтисодий тизимлар барқарорлигини тавсифловчи жиҳатларга ўз эътиборини қаратган. Хусусан, иқтисодий барқарорлик саноат корхоналарининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини ифодаловчи тушунча ҳисобланади. Бунга кўра бозор шароитида ҳам саноат корхоналарининг барқарор ҳолатини сақлаган ҳолда, яъни тизимнинг ўзига хос хусусиятларини сақлаб такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, ҳам ташқи омиллар таъсири ва иқтисодий жараёнларнинг ўзгаришида ишлаб чиқариш ҳажмига ва маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан ҳаракатланиш тушунилади;

– ижтимоий – иқтисодий тизим барқарорлиги саноат корхоналари томонидан белгиланган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган вазибаларни шакллантиришга қаратилганлиги асосланган, яъни унда саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги асосли таърифланган. Ушбу жараёнлар иқтисодий тизим ўзгариши билан янгиланади, шунга кўра иқтисодий барқарорликни баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарурати келиб чиқади;

– саноат корхоналарининг хўжалик фаолияти ички ва ташқи омиллар таъсирига ҳамда хўжалик юритишнинг ўзаро иқтисодий муносабатларига боғлиқлиги тавсифланган. Яъни, ишлаб чиқариш – хўжалик, молиявий – иқтисодий ва ташкилий – бошқарув фаолиятлари ҳамда уларнинг ўзаро уйғунликдаги фаолиятлари саноат корхонасининг умумий ҳолатини ифодалайди;

– хўжалик юритувчи субъектнинг ички фаолиятидаги ўзгаришларга мослашувчи механизмни саноат корхоналарида мавжудлиги уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи омил эканлигини ифодалаган. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш ва бозор муносабатларининг ўзгарувчан шароитида ҳар бир фаолият юритувчи хўжалик субъектида ушбу ташқи таъсирлар ва уларнинг салбий оқибатларини камайтирувчи механизмнинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади. Механизм ўзида турли усул, услуб ва дастакларни мужассам этган ҳолда, саноат корхоналарининг мақсад ва вазибаларини амалга оширишга хизмат қилади. Шундай экан, у бевосита корхоналарда мавжуд ресурсларга боғлиқ бўлади.

Саноат корхоналари фаолиятининг натижаларини баҳолаш услубиёти менежмент назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан ёндашув асосида ёритиб берилган бўлсада, иқтисодий барқарорликни баҳолаш кўрсаткичлари асосини пул ифодасида ҳисоб-китобни ўз ичига олган кўрсаткичлар тизими ташкил этиши асосли ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай тадбиркорлик субъекти фаолиятининг бош мақсади юқори даражада даромад олишга қаратилган бўлади.

Чунончи, иқтисодчи олимлар В.Каттакишиев ва И.Мамаюсуповлар саноат корхоналарида менежмент стратегиясини амалга оширишда ташкилотларнинг ресурслар билан таъминланганлик даражаси, стратегияни амалга ошириш жараёнида юз берадиган ўзгаришларга корхоналарда ташкил этилган менежмент тизимининг тайёрлиги, таклиф этилаётган стратегияни фаолиятнинг ички ва ташқи қатнашчиларига мақбуллик ва корхоналарнинг жамият аъзолари билан ўзаро муносабатларига таъсири каби омилларни эътиборга олиш муҳим эканлигини тавсифлаб берганлар [12].

Ҳолбуки, корхоналар фаолиятининг умумий натижаларини “самарадорлик” тушунчаси акс эттиради, “иқтисодий барқарорлик” тушунчаси эса корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш – хўжалик, молиявий – иқтисодий ва ташкилий – бошқарув каби фаолиятларни режалаштириш учун имконият яратади.

Юқорида қайд этилган барча ёндашувларнинг ўзига хос бўлган кучли жиҳатлари мавжуд бўлишига қарамай, мантиқий таҳлил қилиш асосида уларда маълум бир даражада камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Бинобарин, иқтисодчи олим М.А.Макарова илмий тадқиқот ишида [15] корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини қуйидагича таърифлайди, корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ресурсларнинг мувозанатлашган ҳолати бўлиб, ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли келажакда фойданинг ва капиталнинг ўсиши натижасида кенг такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барқарор фойда ва зарурий шароитларни юзага келтиради.

Таърифдан кўриниб турибдики, корхона барқарор фойда олишга эришиши учун узоқ муддатли истиқбол зарур эканлиги ифодаланган. Шунингдек, корхонанинг фаолияти давомида олинadиган фойда кўрсаткичининг ўсиб боришига урғу берилган. Аммо бизга маълумки, тинимсиз ўзгариб боровчи бозор шароити, бозор иқтисодиёти тизимида юз бераётган интеграция жараёнлари ва бозор конъюктурасининг ўзгарувчан тусга эга эканлиги корхонанинг таърифда тавсифлангандек барқарор ривожланишига тўлиқ имкон бермайди.

Лекин, саноат корхоналарининг фаолиятини баҳолашда фойдаланиладиган энг асосий кўрсаткичлардан бири – бу соф фойда эканлиги, шунингдек корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи омил сифатида эътироф этилиши каби фикрлар тарафдоримиз.

Иқтисодий барқарорлик корхоналар салоҳиятини сақлаш ва уни тобора ошириб бориш билан белгиланади, дея таърифлайди Е.В.Шеврина[25]. Муаллиф ушбу берилган таърифни “иқтисодий барқарорлик” тушунчасини ёритишга қаратилган истиқболли ёндашув деб ҳисоблайди. Шундай бўлсада, доим ҳам корхоналар ўз фаолияти давомида эришган салоҳиятидан самарали фойдалана олмайди, натижада эса самарасиз фойдаланилган салоҳият ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади. Фикримизча, муаллиф томонидан шакллантирилган таърифда урғу берилган рақобатбардошликни бошқариш асосида бозорга кириб бориш, унда ўз ўрнини сақлаш, корхона фаолиятини кенгайтириш каби масалалар ҳал этилади, аммо корхоналарнинг бозор тенденцияларига боғлиқлигига қарамай иқтисодий барқарорлигини таъминлашда фақат ушбу омил билан чекланиш тўғри бўлмайди.

Хусусан, иқтисодчи олим Д.С.Қосимова товарлар бозорлари саноат иқтисодиётида муҳим ўрин касб этади дея такидлайди ва товарлар бозорларига қуйидагича таъриф беради: саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни реализациясини амалга оширувчи товарлар бозори – бу бошқа товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчилар ҳамда истеъмолчилар учун янгиликдир [26]. Истеъмол маҳсулотлари савдоси амалга оширилувчи бозорларга нисбатан саноат маҳсулотлари савдоси учун мўлжалланган бозорлар ўзларининг товар номенклатураси ва пул маблағларининг айланмаси билан устунликка эга.

Шунингдек, О.А.Зайцев саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигининг мазмун-моҳиятини ўрганган ҳолда ушбу тушунчани қуйидагича таърифлайди: иқтисодий барқарорлик – бу корхоналарнинг шундай ҳолатини ифодалайдики, ушбу ҳолатга кўра саноат корхоналари ўз фаолиятини ҳар қандай салбий ташқи муҳитда ҳам давом эттириш ва барқарор прогрессив ривожланишда давом этиш қобилиятига эга бўладилар [8].

О.А.Зайцевнинг тадқиқот ишларида корхона ўзини ўзи бошқарувчи тизим сифатида талқин этилган бўлиб, ушбу тизим ўзаро бир бирига боғлиқ бўлган бошқарувнинг кичик тизимлари ва бошқарув объектидан иборат бўлади.

Дарҳақиқат, фаолият юритаётган корхона ташқи муҳит таъсирига мойил бўлган ижтимоий ва иқтисодий тизим сифатида ифодаланса, у

ҳолда корхонанинг иқтисодий барқарорлигини нафақат ички барқарорлик, балки ташқи барқарорлик ҳам бирдек шакллантиради деган хулосани илгари суриш мумкин.

Муаллифнинг фикрига кўра, молиявий – иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси ва кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиш имконини берувчи барча бўғинларнинг мутаносиблиги ички барқарорликни ифодалайди [2].

Истеъмолчилар, рақобатчилар, хом-ашё етказиб берувчилар, молия-кредит муассасалари, солиқ ва бошқа шу каби назорат органлари билан ҳеч қандай низосиз муносабат қилган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил эта олиш эса ташқи барқарорликни ифодалайди. Корхона стратегиясини шакллантиришда кутилаётган ўзгаришларни эмас, балки ҳозирда мавжуд шарт-шароитларни эътиборга олиш муҳимдир. Айни ҳолдаги шароитлар стратегиянинг ишончлилиқ даражасини ва унинг ўзгарувчан бозор иқтисодиёти муҳитида яшаб қолиш қобилиятини ифодалайди.

Корхоналарнинг бутун иқтисодий барқарорлигини ички ва ташқи барқарорлик шакллантиради. Ташқи муҳит корхонанинг ички барқарорлигига таъсир кўрсатса, бошқа томондан ташқи барқарорликда корхонада шакллантирилган ички муҳит ўз ифодасини топади. Бу эса ўз навбатида, корхонанинг юқори рақобатбардошлигини ва ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик юритиш фаолиятида маълум бир нуфузга эга бўлишини таъминлайди.

Шу ўринда, Э.М.Коротков, Д.Ковалев, Т.Сухорукова, З.Б.Коробкова, А.Д.Шеремет, Й.Шумпетер ва шу каби иқтисодчи олимлар томонидан “Корхонанинг иқтисодий барқарорлик” тушунчасининг моҳияти тавсифланганда, уни корхонанинг молиявий ҳолатига мос келувчи ҳолат сифатида қараб, банкротликни корхона барқарор фаолият юритишини таъминловчи институтлардан бири деб талқин этилган [10].

Иқтисодчи олим О.В.Зеткина томонидан билдирилган фикрга кўра, иқтисодий барқарорлик дейилганда корхона ўз фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва корхонада шакллантирилган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш асосида рентабелли ишлаб чиқаришга ҳамда маҳсулот реализациясини тўғри йўлга қўйишга эришиши, корхона активларининг таркибини яхшилаш ва кескин ривожланиб бораётган ташқи муҳит шароитида корхона қувватини барқарор ривожлантиришга, корхона жамоасининг ўзаро боғлиқдаги узлуксиз фаолиятига эришиш натижасида барқарор молиявий ҳолатни таъминлаш тушунилади [9].

Шуни таъкидлаш ўринлики, иқтисодий ва молиявий барқарорлик ўзаро тенглаштирилган-

дагина иқтисодий барқарорлик банкротлик хафига бардош бериш қобилиятини ифода этиши мумкин. Кўплаб иқтисодчи олимлар “корхонанинг иқтисодий барқарорлиги” тушунчасини моҳиятан ёритишда уни молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан тадқиқ этишни асосли деб ҳисоблайдилар. Хусусан, мамлакатимизнинг иқтисодчи олимларидан бўлган П.Т.Жалилов, С.Нажбиддинов, Н.Хасанов, Б.И.Исроилов, О.О.Олимжонов ва Т.С. Маликовлар айнан ушбу ёндашув тарафдорларидандир [24].

“Иқтисодий барқарорлик” тушунчасининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган таърифлар ичида А.И.Романова ва С.В.Соколовлар томонидан билдирилган талқинлар ҳам мавжуддир [20; 22]. Чунинчи, А.И.Романова иқтисодий барқарорликни қуйидагича таърифлайди: иқтисодий барқарорлик – бу маълум бир вақт маконида фаолият юритаётган хўжалик тизимининг ташқи ва ички таъсирларда ўз харакатини ўзгартирмаган ҳолда фаолият юритиш қобилиятидир. С.В.Соколовнинг фикрига кўра эса, иқтисодий барқарорлик дейилганда корхонанинг содир бўлаётган ўзгаришларга ёки истиқболда содир бўлиши кутилаётган янгилашниларга мослашиш қобилияти тушунилади.

А.И.Романова томонидан билдирилган таърифга асосан хўжалик тизимининг харакатланиш тоифасини ёритиш маълум бир муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, яъни корхона томонидан амалга ошириладиган харакатлардан қайси бири энг мақбул эканлиги ва уни асословчини аниқлаштириш қийин [20].

Кейинги муаллиф томонидан берилган таърифда эса “мослашиш” атамаси қўлланилган, бу атама “барқарорлик” тушунчаси билан мураккаб семантик маънога эга. Шундай бўлсада, мослашувчанлик асосан корхонанинг ташқи муҳит ўзгаришига хос ҳолда фаолият юрита олиш қобилиятини ифодалайди, иқтисодий барқарорлик эса нафақат ташқи муҳит таъсирини, балки корхона ички муҳитининг фаолиятга таъсирини ҳам ўзида мужассам этади.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланиб қуйидаги хулосани шакллантириш мумкин, иқтисодий барқарорликга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири – бу саноат корхоналарининг фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ошиши натижасида юзага келадиган кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ҳолатини қўллайдиган ва уни муттасил қувватлаб борадиган ҳолатни сақлаш бўлиб ҳисобланади.

Бошқа сўз билан айтганда, юқорида қайд этилган ҳар бир ёндашув “иқтисодий ўсиш” тушунчасининг ўзига хос бўлган алоҳида жиҳатларини ёритишга қаратилган бўлиб, С.В. Федосеев томонидан билдирилган фикр ҳам бундан мустасно эмас [23]. Унга кўра, саноат корхона-

ларининг бош мақсадларидан бири иқтисодий ўсишга эришиш. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнига қўшимча, яъни экстенсив омиларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида ижобий иқтисодий натижаларни оширишга ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга эришишни ифодалайди.

Дарҳақиқат, фаолият юритаётган тўқимачилик корхонасининг иқтисодий барқарорлиги ўз навбатида маълум бир ўзгарувчанликга олиб келган ҳолда янги муҳитни ташкил этади деган хулосани илгари суриш мумкин. Ўзгарувчанлик эса, ўз навбатида, корхонани янги омиларга бардош берган ҳолда яна қайтадан барқарорликга эришиш учун ҳаракатга келтиради[1; 3].

“Иқтисодий барқарорлик” тушунчасини назарий жиҳатдан ёритишга қаратилган барча таъриф ва тавсифларни атрофлича ўрганиш асосида уларни қуйидаги жадвал кўринишида ифодалаш мумкин (1-жадвал).

Бугунги кунгача “Иқтисодий барқарорлик” тушунчасини ёритиш мақсадида олиб борилган барча илмий тадқиқот ишларининг натижаларидан қуйидаги хулосани шакллантириш мумкин:

биринчидан, “Иқтисодий барқарорлик” тушунчасининг моҳиятини ифодаловчи ягона таъриф мавжуд эмас;

иккинчидан, тушунчани мазмун-моҳиятини ёритувчи ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги ўз навбатида саноат корхоналари миқёсида уни ифодалаш учун қуйидаги мезонларни эътиборга олиш заруратини келтириб чиқаради:

-корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ташқи муҳит таъсирини ва ушбу таъсир асосида бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатларни юзага келишини эътиборга олиш керак;

-саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлик ҳолатини таҳлил қилишда корхоналарнинг қайси тармоққа хос эканликларини ва ушбу тармоқ хусусиятлари асосида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади;

-“Иқтисодий барқарорлик” тушунчасини тавсифлашда уни акс эттирувчи миқдорий кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзгариш динамикасига эътибор бериш лозим;

-хўжалик юритиш фаолиятига ички ва ташқи омиларнинг таъсири ҳамда моддий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳолати “Иқтисодий барқарорлик” тушунчасининг таърифида акс этиши лозим;

-ресурслар билан боғлиқ тўсиқларни эътиборга олиш билан бирга қонунчилик базаси, давлатдаги мавжуд сиёсий вазият ва ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ тўсиқларнинг мавжудлини ҳисобга олиш муҳим.

**“Барқарорлик” ва “Иқтисодий барқарорлик” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи ёндашувлар таҳлили**

Таърифни шакллантирган муаллифлар	“Барқарорлик” ва “Иқтисодий барқарорлик” тушунчаларини ёритишга қаратилган ёндашувлар
О.В.Михалев	Барқарорлик–бу тизимнинг нафақат хусусияти ва ҳолатини ифодалайди, балки тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабати натижасида юзага келадиган хусусиятларини намоён этади
А.Вальд, Л.Вальрас, П.Самуэльсон, Дж.Р.Хикс ва бошқалар	Барқарорлик–иқтисодий тадқиқотларнинг шундай натижасини ифодалайдики, унга кўра бозор мувозанатига эришиш ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилади
Е.В.Шеврина	Иқтисодий барқарорлик–бу корхонада ўз салоҳиятини сақлай олиш ва уни ошириш қобилиятининг мавжудлиги билан белгиланади
О.А.Зайцев	“Иқтисодий барқарорлик” тушунчаси корxonанинг ташқи муҳит таъсир этган шароитда ҳам ўз фаолиятини самарали давом эттира олишини ва муттасил ривожланиш қобилиятига эга эканлигини ифодалайди
Э.Коротков, Д.Ковалев, Т.Сухорукова, З.Коробкова, А.Д.Шермет, Й.Шумпетер	“Корxonанинг иқтисодий барқарорлик” тушунчаси моҳиятан корxonанинг молиявий ҳолатига мос келувчи ҳолатни ифодалайди, банкротлик эса корхона барқарор фаолият юритишини таъминловчи институтлардан биридир
О.В.Зеткина	Иқтисодий барқарорлик дейилганда корхона ўз фаолиятида ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва корхонада шакллантирилган бошқарув тизими самарадорлигини ошириш асосида рентабелли ишлаб чиқаришга ҳамда маҳсулот реализациясини тўғри йўлга қўйишга эришиши, корхона активларининг таркибини яхшилаш ва кескин ривожланиб бораётган ташқи муҳит шароитида корхона қувватини барқарор ривожлантиришга, корхона жамоасининг ўзаро боғлиқликдаги узлуксиз фаолиятига эришиш натижасида барқарор молиявий ҳолатни таъминлаш тушунилади
Т.Маликов, О.Олимжонов, М.Пардаев, Б.Исроилов, Н.Хасанов, С.Нажюиддинов, П.Жалилов	Корxonаларнинг молиявий барқарорлигини тавсифлаш таг маънода унинг иқтисодий барқарорлигини ифодалаш билан бирдир
А.И.Романова	Иқтисодий барқарорлик–бу маълум бир вақт маконида фаолият юритаётган хўжалик тизимининг ташқи ва ички таъсирларда ўз ҳаракатини ўзгартирмаган ҳолда фаолият юритиш қобилиятидир
С.В.Соколов	Корxonанинг иқтисодий барқарор ҳолати–бу корхона фаолиятида юзага келадиган ёки истиқболда амалга ошиши мумкин бўлган ўзгаришларга тез мослаша олишини ифодалайди
А.Богданов, Л.Евенко, Т.Парсон, В.Раппорт ва бошқалар	“Иқтисодий барқарорлик” тушунчасини ёритиш мақсадида амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги тавсифлар шакллантирилган: -корxonаларнинг самарали фаолият юритиши билан барқарорлик ўртасидаги боғлиқлик асосланган; -молиявий ва иқтисодий барқарорлик тушунчаларининг фарқлари аниқлаштирилган; -иқтисодий тизимнинг энг асосий ва муҳим тавсифлари сифатида барқарорлик ҳамда ривожланиш тушунчалари асосланган; -ижтимоий ва иқтисодий тизимлар мувофиқликлари бўйича техник тизимлар билан баҳоланиши мумкин эмас
Р.А.Попов	Тизим барқарорлигини 2 турга ажратиш мумкин: -алоҳида, асосан ташқи омиллар таъсири остидаги ҳолатни ифодаловчи омилли барқарорлик; -ички унсурлар ҳолатини ифодаловчи таркибий барқарорлик
Э.Р.Мисхожаев	Иқтисодий барқарорлик–бу sanoat корxonасининг яхлитлигини, унинг ички тузилма, яъни ишлаб чиқариш–хўжалик, молиявий–иқтисодий, ташкилий –бошқарув тузилмасининг таркибларини узлуксиз такомиллаштириш йўли билан мослашиш механизми асосида ҳамда ташқи бозор муҳити талабларига мувофиқ ҳолда ҳар бир даврда қўйилган мақсадларга эришишни таъминловчи ёндашувлар асосида фаолият кўрсатиш ва ривожланишни таъминловчи ҳолатдир
М.А.Макарова	Корxonанинг иқтисодий барқарорлиги ресурсларнинг мувозанатлашган ҳолати бўлиб, ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли келажакда фойданинг ва капиталнинг ўсиши натижасида кенг тақрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барқарор фойда ва зарурий шароитларни юзага келтиради

**Хулоса ва тақлифлар.** Иқтисодий барқарорликга хос бўлган асосий хусусиятлардан

бири – бу sanoat корxonаларининг фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ошиши натижа-

сида юзага келадиган кенгайтирилган такроп ишлаб чиқариш ҳолатини қўллайдиган ва уни муттасил қувватлаб борадиган ҳолатни сақлаш бўлиб ҳисобланади. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнига қўшимча, яъни экстенсив омилларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида ижобий иқтисодий натижаларни оширишга ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга эришишни ифодалайди.

Юқорида ифодаланган таърифларни эътиборга олган ҳолда, фикримизча, саноат корхоналарининг “Иқтисодий барқарорлик” тушунчасини ифодаловчи таърифни шакллантиришда қуйидагиларни ҳам инобатга олиш зарур:

- иқтисодий барқарорлик корхонанинг нафақат иқтисодий мувозанат ҳолатини ушлаб қолиши, бақли ташқи жараёнлар таъсири остида ҳам ўз ривожланишини давом эттиришини ифодалайди;

- иқтисодий барқарорлик бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий мувозанат ҳолатини, ҳам турғун ривожланишни ифодалайди. Шундай экан, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги шарт-шароитларнинг ўзгариши билан ўзгаради ва юз берган ўзгаришга мослашиш қобилиятини ифодалайди;

-қиймат ва сифатни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдор йиғиндиси асосида корхонанинг иқтисодий барқарорлик даражасини аниқлаш мумкин.

### Манба ва адабиётлар рўйхати

1. Abdullayeva S.K., Davlyatova G.M. Тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини инновацион ривожлантириш масалалари // Назарий ва амалий тадқиқотлар халқаро журнали. Том 2. 6-8. 2022 <https://cyberleninka.ru/article/n/t-imachilik-sanoati-korxonalarining-i-tisodiy-bar-arorigini-innovatsion-rivozhlantirish-masalalari>
2. Абдуллаева С.Х. Тўқимачилик саноати корхоналарида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари // Иқтисодиёт ва таълим журнали – Тошкент. 2021 йил №1 11-15 бетлар. (08.00.00 №11). <http://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/download/57/53>
3. Абдуллаева С.Х. Тўқимачилик маҳсулотлари бозорларининг халқаро ва ҳудудий конъюнктураси: жорий ҳолат таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим журнали – Тошкент. 2021 йил №2 96-100 бетлар. (08.00.00 №11). <http://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/96>
4. Абдуллаева С.Х. Issues of ensuring economic stability in the textile industries // Journal of NX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal – 2020 December Volume 6, Issue 12. ISSN No: 2581-4230. 67-72 pages. (№ 23 Impact Factor - 7.223.) <https://elibrary.ru/item.asp?id=43954484>
5. Абдуллаева С.Х. Analysis of the current state of the textile industry of Uzbekistan // International journal on orange technologies - IJOT | Research Parks Publishing (IDEAS Lab) – 2021 March Volume: 03 Issue: 03. e-ISSN No: 2615-8140/ p- ISSN No: 2615-7071. 217-222 pages. (№ 23 Impact Factor - 6.875) <https://www.neliti.com/publications/344305/analysis-of-the-current-state-of-the-textile-industry-of-uzbekistan>
6. Богданов А.А. Текстология. Всеобщая организационная наука. – М: Финансы, 2003
7. Евенко Л.И. Эволюция концепций управления человеческими ресурсами / Стратегия развития персонала (Мат. конференции). Нижний Новгород, 1996 и др. других исследователей
8. Зайцев О.А. Оценка экономической устойчивости промышленных предприятий (на примере производства строительных материалов) / О.А. Зайцев: дис. канд. экон. наук. – Хабаровск, 2007. С.17
9. Зеткина О.В. Об управлении устойчивостью предприятия. – М.: Аудит. ЮНИТИ, 2003 с.128
10. Ковалев Д., Сухорукова Т. Экономическая безопасность предприятия // Экономика Украины. – 1998. - №5. – С.48-52
11. Qirbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (1), 321–328. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9190](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190)
12. Каттақишиев В., Мамаюсупов И. Стратегик менежмент фанидан практикум. –Т.: Фан ва технологияси, 2008. –112 б
13. Куликова О.М. Разработка методов и инструментов оценки уровня экономической устойчивости предприятий текстильной и легкой промышленности в условиях инновационной активности.: Автореф. дис. канд. экон. наук.-Санкт-Петербург, 2019-С.14.
14. Козлова Е.П. Формирование механизма устойчивого развития промышленных предприятий на основе технологической трансформации.: Автореф. дис. канд. экон. наук.-Нижний Новгород, 2019-С.18.
15. Макарова М.А. Факторы экономической устойчивости нефтяной компании / М.А. Макарова // Маркетинг. – 2004. - №3 (76). – С.93-97
16. Махмудов Н.М. Макроиқтисодий барқарорликни мустахкамлаш – барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим шартини // Иқтисодиёт ва таълим. №2. 2017.-7-11 б.
17. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Тафаккур Бўстони. 2011. – 336 б
18. Мисхўжаев Э.Р. Теория и методология управления экономической устойчивостью промышленных предприятий / Э.Р.Мисхўжаев: Автореф. дис....док. экон. наук. – Санкт-Петербург, 2013. С.16
19. Попов Е.В. Эволюция институтов микроэкономики / Ин-т экономики. УрО РАН. М.: Наука, 2007
20. Романова А. И. Экономическая устойчивость производственных предприятий / А. И. Романова // Вестник ТИСБИ. — 2001 — № 4.
21. Самуэльсон П. А., Нордхаус В. Д. Экономика / пер. с англ. М.: БИНОМ, 1997.
22. Соколов С.В. Совершенствование механизма устойчивого развития экономики предприятия (На примере горного машиностроения) / С.В.Соколов: Дис. ... канд. экон. наук. : 08.00.05 : Екатеринбург, 2002 159 с. РГБ ОД, 61:02-8/2578-7
23. Федосеев С.В. Стратегический потенциал базовых отраслей промышленности: монография / С.В. Федосеев // Рос. акад. наук., Кол. науч. центр, Ин-т экон. проблем, М-во образования Рос. Федерации, С. – Петерб. гос. политех. ун-т. – Апатиты; Санкт – Петербург: КНЦ РАН, 2003. – С. 268
24. Хасанов Н., Нажибиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. – 224 б.
25. Шеврина Е.В. Оценка экономической устойчивости сельскохозяйственных предприятий (на примере Тюменской области) / С.В. Чикишев.: Автореф. дис....канд. экон. наук. – Тюмень, 2010. – С.21
26. Қосимова Д.С. Менежмент назарияси: Дарслик. Т.: Тафаккур Бўстони. 2011. – 336 б.